Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 май, сешанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 91 (1093)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Молия вазирлигининг молия ва пул сиёсати институти президенти Эйсукэ Сакакибара бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг дастлабки натижалари ҳақида сўзлаб берди.

— Бизнинг бош мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришдир, — деди Ислом Каримов. — Шу боис ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бугун миллий валютамизни янада мустаҳкамлаш, молия-кредит сиёсатининг янги тизимини такомиллаштириш йўлидан бормоқдамиз. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Эйсукэ Сакакибара Япония тадбиркорларининг Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган ислоҳотларга қизиқиши ортиб бораётганини таъкидлади. «Шу боис биз Тошкентда молия ва пул сиёсати бўйича семинар ўтказишдан ташқари, тегишли вазирлик ва муассасалар вакиллари билан учрашиб, Япония томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритиладиган сармоялар ҳажмини ошириш имкониятларини ўрганмоқдамиз», деди у.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул чоғида Японияning Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ЧИРЧИҚ—ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК РАМЗИ

***13 май куни Чирчиқда шаҳарнинг 60 йиллик тўйи катта тантана билан нишонланди.***

Республикамизда йирик саноат марказларидан бири бўлган шаҳарнинг биринчи қурувчилари 1932 йилдаёқ азим дарё бўйига келган эдилар. 1935 йилнинг 1 майида Чирчиқ шаҳар мақомини олди. Бугунги кунда Чирчиқ нурчилар, кимёгарлар, металлурглар, бунёдкорлар шаҳрига айланди. Бу ерда 160 мингдан зиёд турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Вилоят бюджетига келиб тушаётган ҳар бир еттинчи сўм, чет эл валютасининг бешдан бир қисми шаҳар меҳнаткашлари ҳисобига тўғри келади. Бу ерда республикамизда тайёрланаётган минерал ўғитларнинг салкам олтмиш фоизи ишлаб чиқарилаётир. Мустақиллик шарофати билан шаҳар саноати мулкчиликнинг илғор шаклларини дадил қўлламоқда. Кимё машинасозлиги корхонаси маданият саройида ўтган тантанали йиғилишда чирчиқликларнинг ана шу бунёдкорлик, яратувчилик ишлари алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов Президентимиз Ислом Каримовнинг Чирчиқ шаҳри меҳнаткашларига табригини ўқиб эшиттирди.

Республика Бош вазири А. Муталов Президент Фармонига биноан меҳнатда ва жамоат турмушида алоҳида намуна кўрсатгани учун тақдирланган бир гуруҳ чирчиқликларга мамлакатимизнинг юксак унвонлари ва фахрий ёрлиқларини топширди.

(ЎзА).

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Диний эътиқод ва унга садоқатнинг муҳимлигини таъкидлаб, Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига зўр мамнуният ила энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Мусулмон йилидаги энг муҳим байрамлардан бири бўлган Қурбон ҳайити ишонч, дўстлик, меҳр-шафқат, ройишлик ва тинчлик каби умумий қадриятларни акс эттиради.

Маккага борадиган кўп зиёратчилар чегара нималигини билмайдиган интилишлар — хавфсизлик ва эркинлик моҳиятини бизга яна бир бор эслатади.

Сизни ва ватандошларингизни Америка халқи номидан қутлуғ байрам билан табриклайман.

Самимий ҳурмат билан,

**Уильям КЛИНТОН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Сиз жаноби олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва унинг мусулмон халқини буюк исломий байрамлардан бўлмиш муборак Қурбон ҳайити билан табриклайман.

Ушбу саодатли кунларнинг шарофати ҳамда барча мусулмон давлат ва миллатларнинг ҳамкорлиги ва саъй-ҳаракатлари ила жаҳон мусулмонларининг илгаригидан кўра кўпроқ бахт-саодати ва бирдамлигининг шоҳиди бўламиз, деб умид қиламан.

Аллоҳ таъолодан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон мусулмон халқига иззат ва саодат тилайман.

**Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ,**
**Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб олийлари,

Ийд ал Адҳа-Қурбон байрами муносабати билан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига Сурия Араб халқи номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табрик йўллаш менга улкан қувонч бахш этади.

Сиз бу марҳаматли байрамни соғ-саломат ва бахтиёрлик билан, халқингиз эса равнақ ва фаровонликда кўп марта кутиб олишини аллоҳдан илтижо қиламан.

**Ҳафиз ал АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал Адҳа — Қурбон байрами муносабати билан аҳли исломга тинчлик ва муваффақият тилаб қодир аллоҳга илтижо қиламиз.

Сизга узоқ умр ва бахт-саодат, мамлакатингиз дўст халқига доимий равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

**Қобус Ибн САИД,**
**Уммон Султони.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, БИРОДАРИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВГА, УНИ АЛЛОҲ ЎЗ ПАНОҲИДА АСРАСИН

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига чин қалбдан табрик ва қутловларимни етказишдан жуда мамнунман. Шу қулай имкониятдан фойдаланиб, Сизга энг яхши истакларимни баён қилмоқчиман. Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистоннинг қардош мусулмон халқига доимий равнақ ва фаровонлик тилайман.

Шу воқеа муносабати билан қодир аллоҳдан мусулмон оламини янада жипслаштиришни, барча мусулмон халқларининг мустаҳкам ҳамкорлиги ва бирдамлигини илтижо қиламиз.

Жаноби олийлари, Сизга зўр ҳурмат билан,

**Саад ал Абдулла ас Салим ас САБОҲ,**
**Қувайт Давлати валиаҳд шаҳзодаси ва Бош вазири.**

*• Туркистон — умумий уйимиз*

## ДИЙДОРЛАШУВ БАЙРАМИГА АЙЛАНАДИ

***Шу йил 20 май куни Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланади. Деярли бир ҳафта мобайнида қозоқ биродарларимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлардан, қадамбақадам амалга оширилаётган иқтисодий ва маданий ўзгаришлардан янада кенгроқ воқиф бўладилар. Мазкур тадбирни тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи раҳбари, республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Абдураҳимов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.***

**— Баҳодир ака, Қозоғистонда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси кунларига тайёргарлик хусусида гапириб берсангиз.**

— Ўтган йили мамлакатимизда қозоқ дўстларимиз меҳмон бўлиб, қўшни мамлакатнинг бугуни ва порлоқ эртаси ҳақидаги тасаввуримизни бойитишган, ажойиб санъатларини намойиш этиб, дилларимизни хушнуд қилган эдилар. Шу маънода, бизнинг қарийб 500 киши қатнашадиган бу галги сафаримизни жавоб ташрифи дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бу тадбир аввалги маданият ва санъат декадаларидан ўзининг бой ва ранг-баранглиги билан фарқ қилади. Зотан, биз Ўзбекистоннинг нафақат теран маданияти ва санъатини, балки, фан, иқтисодиёт соҳаларида қўлга киритаётган дастлабки ютуқларини, мавжуд муаммолар қандай ҳал этилаётганини, бунда хорижий давлатлар билан боғланаётган ҳар томонлама тенг алоқалар, аввало, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги, халқларимиз дилида зуҳур бўлган тарихий бирлик, якдиллик туйғуси нечоғли муҳим ўрин тутишини ҳам намойиш этамиз. Мазкур тадбирга тайёргарлик ҳам албатта олдимизда турган вазифа — ана шу эзгу мақсадга яраша бўлди. Бу жараёнда қозоқ дўстларимиз билан бақамти, елкама-елка ишладик. Зеро, кунлар икки мамлакат халқларининг биродарлик байрамига айланиб кетади.

**— Кунларнинг дастури, ундан ўрин олган асосий тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Биласизки, Қозоғистон — улкан мамлакат. Биз дастурни ишлаб чиқишда мана шу ҳолни назарда тутдик, яъни бепоён ўлканинг ҳар бир минтақасини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Унга кўра, ўзбекистонлик меҳмонлар олти гуруҳга бўлиниб, Толдиқўрғон, Қарағанда, Тўрғай, Чимкент, Қизилўрда ва Жамбул вилоятларида бўладилар. Ҳар бир гуруҳ таркибида фан ва маданият намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, санъаткорлар бўлиб, улар меҳнат жамоаларида, билим масканларида, жамоат ташкилотларида учрашув ва суҳбатлар ўтказадилар. Кўргазмалар ташкил этилади. Шуниси диққатга сазоворки, намойиш этиладиган дўстлик концертларида ўзбек ва қозоқ санъаткорлари тенг иштирок этишади. Бунда ҳам ўзига хос рамзий маъно зоҳир.

Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунларининг тантанали очилиши 20 май куни Алматидаги республика саройида бўлади. У ўзбек ва қозоқ санъат усталарининг катта концерти билан якунланади.

Шу куни Қозоғистон пойтахтида «Интеграция—95» кўргазмаси очилади. Бир ҳафта давомида бу ерда халқ хўжалигининг турли соҳаларида Ўзбекистон эришган ютуқлар намойиш этилади. Халқ амалий санъати кўргазмаси эса ҳунармандларнинг бетакрор санъати намуналари билан таништиради. Машҳур «Ялла»дастаси, Ҳамза номидаги академик театр, «Шодлик» ансамбли, ўзбек киночилари ўз дастурларини санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этадилар. Бундан ташқари, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш соҳалари вакилларининг интеграцияни чуқурлаштириш борасидаги амалий суҳбатлари, ўзаро тажриба алмашувлари ҳам дастурда кўзда тутилган.

Муҳими, халқда меҳр—кўзда деган гап бор. Яширишнинг ҳожати йўқ, мустақил давлатчилик тикланиши дастлабки йилларида ўтиш даври мураккабликлари сабаб орадаги борди-келди бироз сийрак тортиб қолган эди. Шукр, Президентларимизнинг саъй-ҳаракати, халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб иш кўриши натижасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд барпо этилди. Бир қанча сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Мана, бугун эса бир-биримизда дўстлик байрамларини ўтказишдек хайрли кунларга ҳам етиб келдик.

Президент Ислом Каримов Республика Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги нутқида «Тасаввур қилингки, ота-юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанча яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади» дея таъкидлаган эди. Ўйлайманки, Қозоғистонда ўтажак Ўзбекистон Республикаси кунлари ҳам халқларимиз қалбидаги ана шу асрий дўстлик, қардошлик туйғуларини янада камол топтиришга, ҳамкорлик, елкадошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Аҳмад ХЎЖА суҳбатлашди.**
**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Т. П. Бобожоновни Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика минерал-хомашё базасини яратишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётгани учун «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг «Ўзбекгеофизика» давлат геология корхонаси бош директори Тошпўлат Лепесович Бобожонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 15 май.

## ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто 22-23 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

## СЪЕЗД ИШ БОШЛАДИ

***Тошкентда Ўзбекистон акушер-гинекологларининг IV съезди иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Акушер-гинекологлари илмий жамияти ташаббуси билан ўтаётган ушбу тадбирда пойтахт, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган олимлар, тиббиёт ходимлари қатнашмоқда. Съездга Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ва хорижий мамлакатлардан вакиллар таклиф этилган.***

Анжуманни республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов очди. Ялпи мажлисларда Ўзбекистонда аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, оила ривожи ва аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маърузалар тингланди. Республикада болалар ва ўсмирлар гинекологияси хизматининг тиббий ва ижтимоий йўллари, шунингдек, акушерлик ва гинекология амалиётида хорижий фирмалар препаратларини қўллаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Съезднинг очилиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

Анжуман эртага ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

## БМТ ВАКИЛИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. У Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков билан учрашди. Суҳбат чоғида У. Аширбеков Нукусда БМТ ташаббуси билан шу йилнинг 18-21 сентябрида ўтказиладиган Оролбўйи муаммоларига бағишланган халқаро анжуманга тайёргарликнинг бориши, экологик муаммоларни ҳал этишга жаҳон мамлакатлари эътиборини жалб этиш хусусида сўзлади.

Жаноб Холид Малик сентябрь ойида ўтказилажак халқаро семинар Орол муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва унга ҳамроҳлик қилаётган бир гуруҳ мутахассислар Орол денгизини бориб кўрдилар. Минтақада яшаётган меҳнаткашларнинг яшаш шароитлари билан танишдилар.

## ЛАМПАЛАР ҲАМ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

***Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати бош директори Эшмурод Пирматов Копенгаген сафаридан ажойиб туҳфа — Европа ишбилармонлари ассоциациясининг «Олтин глобус» соврини билан қайтди.***

Жамоа аъзолари бу мукофотга жаҳон бозорида кейинги йиллардаги фаол иштироки туфайли эришдилар. Дарҳақиқат, комбинатда тайёрланаётган маҳсулотлар дунё бозорида кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда. Экспорт ҳажми сўнгги йилда уч ярим бараварга ортди.

Корхонадаги асосий маҳсулотлардан бири вольфрам симлари ҳисобланади. Бу ерда ҳамдўстлик мамлакатларида тайёрланаётган мазкур камёб маҳсулотнинг 95 фоизи ишлаб чиқарилади. Аммо собиқ Иттифоқ даврида уларнинг деярли ҳаммаси четга жўнатилар эди. Бундан уч йилча илгари чирчиқликлар вольфрам симидан электр лампалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Айни пайтда корхонада ойига 250-260 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Шу билан биргаликда мазкур цех кенгайтирилмоқда. Йилнинг учинчи чорагида тўққизта янги линияни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу йилига 50 миллион дона электр лампалари ишлаб чиқариш ва республикамиз эҳтиёжини тўла қондириш имконини беради.

Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларининг йўлга қўйилгани айни муддао бўлаётир. Қирғизистондаги электр вакуумли жиҳозлар заводига буюртма берилган автомат қурилмалари тайёр бўлган заҳоти пешма-пеш келтириб ўрнатилмоқда. Ҳамкорлар ўртасидаги бундай ўзаро манфаатли муносабатлар яхши самара бермоқда. Бундан ташқари Германиянинг «Скет» фирмаси билан биргаликда вольфрам симлари цехи кенгайтириляпти. Кенг истеъмол моллари турини кўпайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда уларнинг сони қирқтадан ошди.

Бир сўз билан айтганда, комбинатнинг беш минг кишилик аҳил жамоаси барча чирчиқликлар қатори шаҳарнинг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётир.

## ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА

15 май куни Тошкентда «Марказий Осиёда иқтисодиётни ривожлантириш ва атроф муҳитни бошқариш» мавзусида халқаро семинар иш бошлади. Жаҳон банки ташкилотчилигида ўтказилаётган мазкур семинарда Марказий Осиё республикалари, Мўғулистон ва япониялик мутахассислар ҳамда олимлар иштирок этмоқда.

Семинар қатнашчилари 10 кун мобайнида иқтисодий тараққиёт, экологик вазиятни яхшилаш, сув захираларидан унумли фойдаланиш, ердан фойдаланишда тирик табиатга зиён етказмаслик, саноат чиқиндилари муаммоси ва ислоҳотларни амалга оширишда аҳолининг фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама этадилар.

(ЎзА).

## ТАЪМИРЧИЛАР НИМАГА ҚОДИР?

***«Ўзбекистон темир йўл машинасозлиги» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Пахтаободдаги таъмирлаш заводи ходимлари республикамиз темир йўлчиларига яхши ёрдам кўрсатишаяпти.***

Корхонада нефть қуйиш цистерналарини жорий ремонт қилиш яхши ташкил қилинган. «Ўзбекистон темир йўллари» бўлинмаларида уларнинг етишмаслиги яққол сезилаяпти.

Пахтаободликлар янги иш жойлари барпо қилиш учун ҳамма имкониятларга эга. Лекин кучли кўтарма кранлар ўрнатиш, қўшимча темир йўл шохобчаларини қуриш керак эди. Энди саккиз ва тўрт ўқли цистерналарни шу темир йўл шохобчаларига қабул қилишмоқда. Ғилдиракларни текислаш учун Польшадан сотиб олинган «Рафамет» станогини ўрнатдилар. Унда ёш мутахассислар ишлашга ўргатилди. Яқин орада бундай станоклар сони ортади ҳамда заводда ойига 80-90 тадан цистерна таъмирланадиган бўлади.

Эҳтиёт қисмларнинг етишмовчилигини тугатиш учун корхонанинг механика цехида уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда ҳаракатдаги составнинг таъмирланиши учун 100 хилдан ортиқ деталлар ва қисмлар тайёрланади. Заводда йўловчилар ташиладиган вагонларнинг ойналарини ҳимояловчи жалюз ишлаб чиқаришга ҳам киришилди.

Ҳозир заводда кўп сонли буюртмачилар юбораётган цистерналарни таъмирлашга навбатга қўйиш учун кутиш парки қуришга киришилди.

Бундан ташқари, бу ерда халқ истеъмол моллари — сувни иситадиган колонкали печкалар, улар учун газ горелкалари ишлаб чиқариляпти.

(ЎзА).

• *Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан*

# СОҲИБҚИРОН ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ

***Шу кунларда буюк юртдошимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирлари қизғин бораяпти. Унинг туғилган юрти — Шаҳрисабздаги «Шаҳрисабз» сайёҳлар мажмуи ходимлари бу ерга келадиганларни кутиб олиш, уларни Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган тарихий обидалар билан таништириш, соҳибқирон қадамжолари бўйлаб зиёратлар ташкил этиш бўйича қандай тайёргарлик кўраяптилар? Саволларимизга сайёҳлар мажмуи раҳбари Дилмурод Нуралиев жавоб беради.***

**— Амир Темур шахсини Шаҳрисабзсиз тасаввур этиб, ўша давр салобатини, улуғворлигини ҳис қилиб бўлмайди. Уни қалбан англаш учун давр руҳини сингдириш лозим. Шунинг учун ҳам бу шаҳарга қизиқиш катта. Соҳибқирон таваллуди муносабати билан меҳмонларга ва саёҳатчиларга намунали хизмат кўрсатиш бўйича қандай тадбирлар белгиланган?**

— Меҳмонхона ўн беш йил муқаддам, асосан, чет эллардан келадиган саёҳатчиларга мўлжаллаб қурилган эди. Бу ерда хориж андозаси бўйича саёҳларга маданий-маиший савдо хизмати кўрсатишнинг барча турлари яратилган. Ресторан, бир неча қаҳвахоналар, тунда ишлайдиган бар, миллий таомлар ошхонаси, совғабоп буюмлар дўкони, самолёт ва поездларга чипта сотадиган, валюта алмаштирадиган хоналар меҳмонлар хизматида.

Меҳмонхона хизматчилари саёҳатчиларни кутиб олиб, кузатиб қўйиш билангина шуғулланмайдилар. Улар Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган тарихий ёдгорликларни, шарқона бозорни, шаҳарда сақлаб қолинган ўрта аср меъморчилиги намуналарини томоша қилдирадилар.

Шунингдек, меҳмонларни Ғани Бобоёров номли жамоа хўжалигининг марказий қишлоғига, Туркистон тизма тоғлари бағрида барпо этилган Мингчинор, Мингбулоқ оромгоҳларига саёҳат қилишларини ташкил этдик. Меҳмонхонамизда Австралия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия ва Япония, Англия, Австрия, Швеция, Италия каби ривожланган мамлакатларнинг вакиллари меҳмон бўладилар.

**— Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан шаҳарда қандай ишлар амалга оширилаётир?**

— Соҳибқирон шахси билан боғлиқ қадимий ёдгорликларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Машҳур Оқсарой қасри, Дорут-тиловат, Дорут-саодат мажмуилари, Кўкгумбаз масжиди, Амир Темурнинг пири-муршиди Шамсуддин кулол, гумбази Саидон, Амир Темур даҳмаси, Ҳазрати Имом масжиди, Коба, Абдишукур оғалик, Чўбин мадрасалари чет эллик саёҳларни кўпроқ ўзига тортмоқда.

Обидаларни таъмирлаш билан бирга чор-атрофни ободонлаштириш, қазилмалар олиб бориш тараддуди ҳам кўрилаётир. Шаҳар қалъасининг 130 метрлик қисмини тиклаш бошлаб юборилди. Самарқанд ва Кунчиқар дарвозаларини тиклаш бўйича ҳам кенг кўламли юмушлар бажарилмоқда.

Саёҳатчиларнинг Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий даҳмасини зиёрат қилишлари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги осори-атиқалар, тарихий жойлар билан танишишлари учун қулай ва юмшоқ ўриндиқли автобуслар қатнови белгиланди.

Шу йилнинг ўзида Франциянинг Бургундия, Болгариянинг Етмахолидекс ТОО ЛТФ, Суриянинг Уафи ко, Хитойнинг СИТС, Ҳиндистоннинг Холидей Мейкир, Покистоннинг Тревл Уолджиз ЛТД, Бирлашган Араб Амирликларининг Ридс Хотель, Австриянинг Натул Унтрайзен туристик фирмалари билан саёҳатчилар алмашиш бўйича шартномалар тузганмиз.

**— Амир Темур қадамжолари бўйлаб ташкил этиладиган сайр-саёҳатларга ҳам батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Ҳисор тоғи ва Туркистон тизма тоғлари этакларида, фусункор чўққиларда соҳибқирон шахси билан боғлиқ жойлар бор. Тоғ қишлоқларининг аҳолиси Амир Темур, унинг қўшини, саркардалари ҳақида ҳақиқатга яқин ривоятларни биладилар. Чироқчи туманидаги тоғли Тарағай қишлоғи тепасида, Яккабоғ туманидаги Тошқўрғон қишлоғи яқинида Амир Темур номи билан аталадиган мўъжизавор ғорлар бор. Бу ғорларда бир пайтлар Амир Темур навкарлари ҳарбий машқлар ўтказишган экан. Қашқадарё тоғлари ўзининг ажойиб табиати, абадий музликлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг бой ва ранг-баранглиги билан ҳам ажралиб туради. Ана шу фусункор тоғ ёнбағирларига, қўриқхона ва зиёратгоҳларга 5 ва 7 кунлик саёҳатлар уюштиришни мўлжаллаб қўйдик. Ушбу саёҳатларга автобусда, от-уловда ва пиёда чиқилади. Шунинг учун ҳам бундай саёҳатларга чиниққан, тоғ спорти ишқибозлари бўлган саёҳатчиларгина таклиф этилади.

Ғарбий Европа мамлакатларидан келадиган саёҳатчилар мана шу сайрларни катта қизиқиш билан қарши оладилар. Ҳазрати Башир қишлоғига саёҳат уюштириш йилнинг барча фаслида ҳам мароқлидир. Саёҳатчилар ушбу йўналишларда қадимий улкан ҳайвон—динозаврларнинг 50 дан зиёд изларини томоша қиладилар.

Тоғ спорти билан шуғулланадиган меҳмонлар денгиз сатҳидан 4100 метр баландликда жойлашган Ҳазрати Султон чўққисига кўтариладилар. Бу муқаддас жой Эрон, Афғонистон, Туркия сингари давлатлардан келадиган зиёратчиларнинг ҳам муқаддас маскани ҳисобланади. Улар Кўтарма, Ботирбой музликларини, Айғиркўл, Жанқа кўлларини томоша қилишади, қайиқларда кўл атрофи манзараларини томоша қилишади, доривор гиёҳлар теришади. Абадий музликлардан бошланадиган асов Оқсув, Тамшуш, Қизилсув, Каттаўра дарёларининг қирғоқлари бўйлаб юрадилар, ўнлаб шаршараларни кўрадилар.

Ҳозирча тоғ сайрига чиқувчилар учун ётоқ-жойлар палаткалардан иборат. Озиқ-овқатлар ҳам саёҳат ташкилотчилари томонидан жамоанинг кўз ўнгида тайёрланади. Кейинчалик маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналари барпо этиш, дам оладиган меҳмонхона, кемпинг типидаги жойлар тиклаш лозим бўлади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Амир Темур қадамжолари бўйлаб ташкил этиладиган чет эллик сайёҳлар учун мўлжалланган йўналишларни ободонлаштириш, йўллар барпо этиш, турар-жойлар тиклаш учун ҳукумат миқёсида амалий ёрдамлар уюштириш зарурдир.

Амир Темур руҳини улуғлаш, унинг шахсини англаш билан ўзлигимизни улуғлаган, қадриятларимизнинг тикланишига эришган бўламиз.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИНО ХИЗМАТИ ФОЙДАГА ЮЗ ТУТМОҚДА

**Сирдарё вилоят кинолаштириш ва киноижара бошқармаси бошлиғи Олимжон Хайруллаев билан мулоқот**

**— Ҳозирги ўтиш даврида кино хизмати ходимлари ҳам турли қийинчиликларга дуч келишаётгани сир эмас. Кўплаб томошагоҳлар аввалгидек гавжум бўлмаётир ёки умуман ишламай қолмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган бошқармага қарашли кино-томошагоҳларда эса аксинча: томошабин ҳам, фойда ҳам кўп бўлаётир. Бунинг сири нимада?**

— Соҳамиз пуллик бўлгани билан аслида азалдан боқимандалар сирасига кирарди. Шу боис аввало ишни давлат кино соҳасига маблағ бериши керак деган кайфиятни йўқотишдан бошладик. Кино хизмати бизда ҳам бора-бора иқтисодий мустақил бўлиши лозим. Режаларимизни бир неча йўналишларда белгилаб олдик. Албатта, асосий йўналишни иқтисодий соҳа деб англадик. Бу борадаги илк уринишимиз «Эзбеоз» (Эзгулик ва беозорлик) кичик корхонаси бўлди. Бу корхонани тежалган ва қўшимча топилган маблағлар ҳисобига курдик. Қолаверса, шу мақсад учун республика кинокомпанияси 120 миллион, вилоят ҳокимлиги 62 миллион сўм-купон ажратган эди. Бу пулнинг 132 миллион сўм-купонини аллақачон қайтариб бердик. Ҳозир кичик корхонада 50 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар бор. Нархи ҳам бозордагидан анча арзон. Асосан болалар кийим-кечаклари бўлган бу маҳсулотлардан топилган маблағ эвазига янги фильмлар сотиб оламиз. Вилоятда киноқурилмалар ўрнатишга хизмат қиладиган ташкилот йўқ эди. Кичик корхона қошида ана шундай хизмат тури ҳам йўлга қўйилди. Айни чоғда бошқарув тизимини ҳам ихчамлаштирдик. Жумладан биргина Гулистон шаҳрида бешта кино хизмати билан тўртта ташкилот шуғулланар эди. Энди ягона ташкилот тузилди. Сирдарё тумани ва Сирдарё шаҳридаги бўлинмаларимизни бирлаштирдик.

**— Олимжон Турсунович 1990 йилдан буён вилоятдаги қишлоқ клубларида чиптасиз иш услуби қўлланилмоқда. Айни чоғда эса бу янгилик мамлакатимиз қишлоқ клубларига ҳам кириб борди. Демак сизлар қўллаган янги тартибнинг самараси бор экан-да.**

— Очиғи дастлаб бу ташаббусимиз қўллаб-қувватланмаганди. Энди эса Гулистон шаҳридаги «Ватан» ва «Гулистон» кинотеатрларига ҳам томошабинларни чиптасиз қўя бошладик. Яъни, улар берадиган пулга чипта йиртиш тўхтатилди. Кинотеатрларга эса ойлик даромад топшириғи белгиланди. Оқибатда ўз-ўзидан ҳар иккала томошагоҳ ҳам фойдага юз тутди. Масалан, аввал «Ватан» кинотеатри 7-8 минг сўм давлат маблағини харажат қилиб, 4 минг даромад оларди. Энди эса аксинча ойига 8 минг сўм пул топширилса, шундан 1 минг 200 сўми соф даромад. Кинотеатр ходимлари маошларини ўзлари белгилайди. Яъни шу 8 минг сўмдан ортиғи ўзларига қолади. Вилоят бўйича 1993 йилда 18 миллион сўм-купонлик, 1994 йилда 191 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

**— Айтишларича мамлакатимиздаги энг арзон кино хизмати ҳам вилоят кинотеатрида экан. Тўғрими?**

— Тўғри. Март ойидан бошлаб мамлакатимизнинг биринчи тоифадаги кинотеатрларида бир серияли фильм томошаси 8 сўмга кўтарилди. Бизда эса 4 сўм. Мақсадимиз томошабинни йўқотмаслик. Вилоятдаги барча фахрийлар, уруш қатнашчиларига кинотеатрларга текин кириш ҳуқуқини берганмиз. Жамоа бўлиб кирувчилар белгиланган нархнинг ярмини тўлаш имтиёзига эга. Шунингдек, йилда бир неча бор хайрия ишлари ташкил этилаётир. Тушган маблағ кам таъминланган оилаларга, болалар уйларига тарқатилмоқда. Умуман кинотеатрларга одамларни жалб этишда уларга замонавий хизмат кўрсатишга эришишни фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айлантирганмиз. Барча томошагоҳларимизда ихчам тамаддихоналар очаяпмиз. Клублар ким ошди савдосига қўйилаётган бир пайтда янги кинотеатрлар қуряпмиз ва мавжудларини ўз ҳисобимиздан таъмирлаяпмиз. Яқинда Гулистон шаҳрида «Мустақиллик» деб номланган янги томошагоҳ қуриб битказилди.

**— Ҳар ҳолда кинотеатрларнинг гавжум бўлиши биринчи галда намойиш қилинадиган фильмларнинг савиясига боғлиқ...**

— Албатта, бошқармамизда бу борада ҳам амалий ишлар қилинаётир. Молдова Республикасидаги шериклар билан тузилган шартномага мувофиқ 10 та янги фильм олдик. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззахдаги ҳамкасблар билан тўғридан тўғри фильм айрибошлашни йўлга қўйганмиз. Фильмларни танлашда томошабинларнинг талаб ва истакларини инобатга олаяпмиз. Айни чоғда кино санъати одамларни маънавий камолотга етказишнинг муҳим омили эканлигини эътиборга олиб, умуминсоний қадриятлар мужассам бўлган ҳаётий ленталарни кўпроқ намойиш этаяпмиз. Наврўз, мустақиллик байрами каби улуғ байрамларимиз шарафига миллий киномизнинг энг яхши намуналаридан иборат ҳафталиклар ташкил қиляпмиз. Шунингдек, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказларга амалий ёрдам бераяпмиз. Вақти-вақти билан вилоят кинотеатрларида қозоқ, корейс, тожик ва бошқа миллий кино намуналарини намойиш қилиш одат тусига кирмоқда.

**— Яқинда Гулистонда очилган ёш киноактёрлар студияси тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Студияни ташкил этишдан бирдан-бир ниятимиз ўзбек миллий киноси учун талантли актёрлар тайёрлашга кўмаклашиш. Шу ўринда республика кинокомпанияси ва шахсан вилоят ҳокими Ғуломқодир Ҳасановнинг Гулистонда киноактёрлар, халқ ҳунармандчилиги ва рассомлик студияларини очишдаги амалий ёрдамини айтиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Вилоят ҳокимининг алоҳида бир неча фармойишлари туфайли вилоятда кино хизматига эътибор тобора кучаймоқда. Киноактёрлар студиясида асосан мактаб ўқувчилари тарбияланадилар. Ҳозирча улар саҳна асарларини ижро этишаётир. Ҳадемай техник имкониятларга эга бўлгач, илк видеофильмларни яратиш мўлжалланаётир. Наби Раҳимов номли республика кинотехникуми билан шартнома тузганмиз. Ушбу келишувга мувофиқ бу ҳунар масқани ҳар йили вилоятимиздан 10 нафар талаба қабул қилади. Бунинг эвазига биз техникумга моддий ёрдам кўрсатамиз. Демоқчиманки, бу ҳаракатимиз келгусида вилоят кино хизматини малакали мутахассислар билан таъминлабгина қолмай илк қадам ташлаган ижодий студия учун ҳам иқтидорли мураббийлар тайёрлашга хизмат қилади. Келажак кинотеатри кўпроқ миллий киноларимиз томошагоҳи бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, ҳали экран юзини кўрмаган, ўғил-қизларимизни миллий ғурурини оширадиган, маънавий камолотга етказишга хизмат қиладиган бадиий меросимиз жуда улкан.

**Суҳбатдош:**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида таниқли ўзбек ёзувчиси Саид Аҳмад асари асосида саҳналаштирилган «Уфқ» спектаклининг илк намойиши бўлиб ўтди. Асарда уруш йилларида ўзбек халқи бошидан кечирган воқеалар қаламга олинган.*

*СУРАТДА: спектаклдан саҳна.*

*А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.*


**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги Глиэр номли маҳсус мусиқа мактаб-интернати 1995-1996 ўқув йили учун**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

***Аъло мусиқа қобилиятига эга бўлган 7 ва 12 ёшидаги болаларни:***

*1 синф-ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган синфларга;*
*5 синф-ўзбек тилида ўқитиладиган ўзбек халқ чолғулари бўлимига;*

**Шунингдек, 2 синфдан 9 синфгача шу синф талабига жавоб берадиган мусиқий тайёргарлиги бўлган ўқувчилар қабул қилинади.**

***Имтиҳонлар вилоятлардан келган болалар учун 10 июнда, Тошкент шаҳар болалари учун 11 июнда бўлиб ўтади.***

**Аризалар 1995 йил 5 майдан 1 июнгача қабул қилинади.**

***Ариза бериш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:***

*1. Туғилганлик ҳақида гувохнома (нусха)*
*2. Турар жойидан маълумотнома.*

**Мактаб—интернатнинг манзили: 700095, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 76, 87—автобусларнинг ҳамда 4, 20—троллейбусларнинг "Талабалар шаҳарчаси" бекати.**

**Телефонлар: 46—03—24, 46—99—79.**


• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

# КАРВОН «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» БЎЙЛАБ САМАРҚАНД САРИ ЮЗЛАНДИ

***Бундан бир ҳафта муқаддам пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортида бошланган «Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. У ҳамюртимиз Олег Огородовнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди.***

Гарчи турнир бошланиши арафасида, яъни барча қатнашчилар маълум бўлгандаёқ Олег «Буюк ипак йўли — 95» сателлит турнирининг 1-рақамли теннисчиси ҳисобланган бўлса-да, мутахассислар спорт майдонида ҳар қандай кучлиларнинг ҳам мағлубиятга учрамасликлари кафолатланмаганлигини эътироф этишиб, ҳамюртимизнинг ғолиб чиқажагини олдиндан башорат қилишдан чўчишди. Дарҳақиқат, спортнинг ўзига хос бу қонунияти (гарчи Огородовни биринчи босқичда четлаб ўтган бўлса-да) «Буюк ипак йўли» сателлит турнирида ҳам тантана қилди. Ҳамюртимиздан сўнг турнирнинг иккинчи кучли теннисчиси саналган руминиялик Дину Пескариу дастлабки учрашувдаёқ профессионал теннисчилар рўйхатида рейтинг бўйича ўзидан 849 поғона қуйидан ўрин олган италиялик спортчига ютқазиб қўйди. Турнирнинг тўртинчи рақамли теннисчиси Флориан Кримрехнинг (Германия) дастлабки куниёқ рақиби Роберто Парлидан (Словакия) мағлубиятга (3:6, 4:6) учраганлигини ҳам кутилмаган ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Негаки, Флориан профессионал теннисчиларнинг рейтинг рўйхатида 573 ўринни эгаллаб турган ҳолда, унинг рақиби Роберто бор йўғи 1231 поғонадан жой олиб турибди.

Асосий сетларга қўйилган тўққиз теннисчимиздан Олег Огородов ва Дмитрий Томошевич жуда яхши ўйин кўрсатишди. Бахтга қарши қуръа бу икки теннисчимизни ярим финалда бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйди. Агар шундай бўлмаганида бу икки теннисчимиз финалда ўйнаши мумкин эди. Чунки Огородов ва Томашевич нафақат рейтинг очколарининг юқорилиги билан, балки ўзларининг ажойиб ўйинлари билан ҳам «Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг асосий, эътибордаги теннисчилари саналаяпти.

Дмитрий дастлаб ҳамюрти Мансур Яҳёевни осонгина мағлуб (6:1, 6:1) этди. Кейинги сафар унга яна бир ҳамюртимиз Антон Кокурин қаршилик кўрсатолмади — 0:6, 0:6. Чорак финалда турнирнинг учинчи рақамли теннисчиси Томашевич бироз тер тўкишига тўғри келди. У голландиялик теннисчи Мартин Белграверни анча қийинчилик билан, уч сетдан сўнг мағлуб (6:4, 2:6, 6:4) этди.

Иккинчи ҳамюртимиз Огородов эса ярим финалгача славакиялик Владимир Платеникни (5:7, 6:4, 6:3), ҳамюрти Антон Ивановни (6:1, 6:4), россиялик Игор Челишевни (6:3, 6:1) мағлубиятга учратди. Огородов ва Томашевич ўртасидаги ярим финал учрашуви турнирнинг энг қизиқарли ўйинларидан бири бўлди. Гарчи бу икки теннисчимиз бир-бирини яхши билсада, беллашув кескин кураш остида ўтди. Ҳар қалай Олегнинг тажрибаси катталиги қўл келди ва у ғолиб чиқди.

Олег финалда франциялик теннисчи Жерам Лусталот билан ўзаро куч синашди. Унда ҳамюртимизнинг устунлиги яққол кўриниб турди. Айниқса, иккинчи сетда Олег дастлабки уч геймни ўз фойдасига ҳал қилгач, франциялик теннисчи мағлубиятини тамоман тан олди ва у қолган геймларда фақат томошабинлар меҳрини қозонишга ҳаракат қилди. Ҳар ҳолда унинг актёрлик ҳаракатлари зое кетмади. Томошабинлар қарсаклар билан уни олқишлаб туришди. Олег эса хотиржамликка берилиб, кетма-кет геймларни бой берди. Сўнгги дақиқалардагина ҳушёрликни қўлга олиб, учрашувга иккинчи сетдаёқ нуқта қўйишга эришди — 6:2, 6:4.

Шундай қилиб Олег Огородов дунёнинг 15 мамлакатидан келган юздан ортиқ профессионал теннисчилар ўртасидаги сателлит турнирининг биринчи босқичи ғолиби бўлди.

Жуфтликлар баҳсида ҳамюртларимизнинг омади чопмади. Асосий жуфтлигимиз Огродов — Томашевич ярим финалда франциялик теннисчиларга ютқазиб қўйишди. Финалда ҳам айнан шу теннисчилар ғалаба қозонишди.

«Динамо» теннис кортларида ўтказилган финал ўйинлари тугаши билан теннисчилар карвони «Буюк ипак йўли» бўйлаб қўҳна Самарқанд сари йўл олди. Профессионал теннисчилар бу ерда ҳам бир ҳафта мобайнида ўзаро куч синашишади, сўнг Фарғонада қуриб битказилаётган янги кортлар уларни ўз бағрига чорлайди.

«Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ҳар бир босқич ғолибларига 812,50 доллар, жуфтликларга 393,75 доллар, «Мастерс» ғолибига эса 800 доллар миқдорида мукофот берилади. Шунингдек, финалчи, ярим финалчи ва бошқа босқич қатнашчиларига ҳам мукофотлар берилиши кўзда тутилган.

# ТЎКИН ВА ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАР

***Қадимдан «Қайси юртнинг фаровонлигини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорини бориб кўр», деган ҳикматли нақл бор. Дарҳақиқат йилнинг қайси фасли бўлмасин, юртимиздаги бозорларда тўкинчилик ва арзончиликнинг гувоҳи бўласиз.***

Шуниси қувонарлики, кейинги пайтларда республикамизда, айниқса, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида бозорларни замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда қайта таъмирлаш, янгиларини бунёд этиш ишлари кенг авж олди. Бу аҳолига ҳам катта қулайлик туғдирмоқда. Чунончи, ўтган бир ойнинг ичида Ҳамза ва Юнусобод туманларида яна учта янги бозор қад кўтарди.

Бешёғоч даҳасидаги «Бешёғоч» деҳқон бозорида эса бутунлай янги қиёфа ва масалага янгича ёндашувни кўрамиз. Ҳозир бозор ҳудудида қурилаётган супермаркет мажмуининг тўла битишига саноқли кунлар қолди. Ранг-баранг ва юқори сифатли мол-маҳсулотлару, анжомужиҳозлар билан савдо қилишга мўлжалланган дўконларнинг 20 таси ишга тушди. Улар орасида, айниқса, «Совпластитал» қўшма корхонаси, Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналарининг дўконлари, «Кока-Кола» ичимлиги, Тошкент ЛТД қўшма корхонасининг махсус дўконларида харидорлар гавжум. Бундан ташқари супермаркет ёнида қад кўтарган меҳмонхона ҳам ўзининг дастлабки мижозларини қабул қилиш арафасида. Ўйлаймизки, тез орада «Бешёғоч» супермаркети тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари севиб қадам ранжида қиладиган энг тўкин ва файзли савдо гўшаларидан бирига айланади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

# «ФУТУРО» ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ИШ БОШЛАДИ

***Кеча мамлакатимизда биринчи марта ФИФА дастури асосида ўтказиладиган «Футуро» халқаро семинари иш бошлади. Ушбу семинар ишида қатнашиш учун юртимизга Осиё футбол конфедерацияси вице президенти Жорж Жозеф бошчилигидаги ФИФА ва ОФК вакиллари етиб келишди.***

Якшанба куни Ўзбекистон футбол федерациясида «Футуро» халқаро семинари олдидан ФИФА ва ОФК вакиллари билан журналистлар учрашуви бўлиб ўтди.

— «Футуро» халқаро семинарининг бош мақсади жаҳон бўйлаб футболни янада ривожлантиришдир — деди жаноб Жорж Жозеф. — Бундай халқаро семинарлар асосан 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўтказилиб келинмоқда. Маълумки, Европа футболи бошқа қитъа футболига нисбатан кўп жиҳатдан устунлик қилади. Бизнинг мақсадимиз барча қитъада футболни шу даражага кўтаришдир.

Шунингдек, Жорж Жозеф «Футуро» халқаро семинари курслари Лотин Америкаси мамлакатларида, Африка ва Осиё қитъаларида мунтазам ўтказилиб келинаётганлигини айтди. Марказий Осиё ҳудудида бундай семинарни ўтказиш учун нега айнан Ўзбекистоннинг танланганлигини ОФК вицепрезиденти юртимизда футбол тараққиёти учун катта эътибор берилаётганлиги, шарт-шароитлар йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлиги билан изоҳлади.

«Футуро» халқаро семинари юртимизда 20 майга қадар давом этади. Мамлакатимиз футбол мураббийлари, ҳакимлар, ҳакамлар ва футбол федерацияси масъул ходимлари учун замонавий футбол ва унинг тараққиётига хизмат қиладиган мезонлар ҳақида лекция ўқиш учун юртимизга келган ФИФА ва ОФК вакилларидан Раманиях Баласубраманям (ФИФАнинг ОФК бўйича ҳакамлар билан ишлаш бўлимининг масъул ходими, Сингапур), доктор Гуру (допинг назорати ва ҳакимлар билан ишлаш бўйича ОФКнинг масъул ходими, Малайзия) матбуот конференциясида қатнашиб, журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтаришди.

Матбуот конференцияси сўнггида Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Салим Эшмуҳамедов «Футуро» халқаро семинарида кимлар қатнашиши ва унинг қандай тартибда ўтказилиши ҳақида ахборот берди.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Тошкент, Навоий кўчаси, 14
Телефон (3712) 41-24-40


Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби, вазирлик Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Раҳимовга ўғли

**РУСТАМЖОНнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Миллий хавфсизлик хизмати истеъфодаги генерал-майор

**Муҳаммадамин НАСИМОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг барча оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви Сурхондарё вилоят бўлими раиси Тилов Мустафоқуловга онаси

**Хуршида ИБРОҲИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳаррирят 33-10-28.*

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0208 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6